



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 25-iyun. Seshanba • 76 (31.666)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг 2013 йилдаги энг устувор йўналиши ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами бандлигини таъминлаш орқали манзилли ижтимоий ҳимоя самарадорлигини оширишдан иборатдир.



Мухоммон ҚОДИРОВ (ўша) олган сурат.

Қўлида касби, ҳунари бор кишининг келажакдан кўнгли тўқ бўлади. Доим янгиликка, бунёдкорликка интилиб яшайди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, бандлигини таъминлашга давлат сиё-

сати даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида қарийб бир миллионга яқин иш ўрни вужудга келаятган бўлса, уларнинг ярмига касб-ҳунар коллеж-

ларининг битирувчилари ишга жойлаштирилмоқда.

Фарғона шаҳридаги маиший хизмат ва педагогика коллежини жорий йилда бошланғич таълим, мактабгача таълим, бухгалтерия ҳисоби, енгил саноат технологияси, туризм ва меҳ-

монхона хўжалиги йўналишлари бўйича 619 ўқувчи битирди. Худуддаги корхона ва ташкилотлар, таълим-тарбия муассасалари билан тузилган уч томонлама шартномаларга биноан коллеж битирувчиларининг бандлиги таъминланмоқда.

Муносабат

ҲОЗИР ЁНМАСАК, ҚАЧОН ЁНАМИЗ?

Эл манфаати йўлида интилиб, ёниб яшаш бизнинг бурчимиз, дейишмоқда жиззахлик ёшлар

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташрифи чоғида билдирган фикрлари таклифларини, айниқса, ёшларимиз қўллаб-қувватламоқда.

Юртбошимизнинг биз ёшлар тақдирини учун доимо қайғуриши, бугунги йигит-қизларни эртаимизнинг эгалари, Ватанимизни дунёга танитадиган, шуҳратига шуҳрат қўшадиган авлод эканлигини бот-бот такрорлаши қалбимизда гурур туйғуларини кучайтиради. Эътибор берган бўлсангиз, шаҳардаги «Жиззах пласт текс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидаги ёш ишчи-хизматчилар билан суҳбатлар, Пахтакор туманидаги «Жавлонбек» кўп тармоқли фермер хўжалиги даласидаги мулоқотлар чоғида бундай фикрлар кўп бор тилга олинди.

«Жиззах» махсус индустриал зонасининг ташкил этилиши, «Жиззах пласт текс» сингари пахта толасини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган энг замонавий саноат корхоналарининг очилиши натижасида минглаб тенгдошларимизнинг иш билан таъминланиши кишини қувонтиради, албатта.

Шаҳримизда бир пайтлар уй-жойлар ва иморатлар ўйла-

масдан, пала-партиш қурилган. Бу эски типдаги уй-жойлар кўримсиз бўлиши билан бирга замон талабларига жавоб бермасди. Шу боис, шаҳримизни қайта қуриш, обод ва бетакрор қиёфа бахш этиш, аҳоли учун қатор қулайликлар яратиш борасидаги яратувчилик, бунёдкорлик ишларига Юртбошимизнинг шахсан ўзлари таклиф-тавсиялар бергани шахримиз истикболига бўлган ишончимизни янада оширди, кўнглимизни тоғдай кўтарди.

Юртбошимиз учрашувлар чоғида биз — жиззахлик ёшларга қарата интилиб, курашиб, ёниб яшаш керак, дедилар. Чиндан ҳам мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган бекиёс имкониятлар, шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, эл-юрт манфаати йўлида ҳозир ёниб яшамасак, қачон ёнамиз? Бу савол бизни мудом ўйлашга, фикрлашга, изланишга, фидойи бўлишга, Ватанимиз келажиги олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис қилиб яшашга даъват этади.

Ирода МАТМУРОВА,
Жиззах Давлат педагогика институти 3-босқич талабаси,
дзюдо бўйича тўққиз қарра мамлакат чемпиони,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ДЕПУТАТ ФАОЛЛИГИ

**электорат манфаати самарали
ҳимоя қилинишининг муҳим омили**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати доимий асосда ишлайди ва ўз сайлов округи сайловчилари, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан доимий алоқада бўлиши талаб этилади.

Сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

тибда кўриб чиқиб, уларни ҳал этиш чораларини кўради. Қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган бу тизим парламентда сайловчилар ва сиёсий партиялар электоратининг манфаатини самарали ҳимоя қилишга қаратилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Шухрат ТУРСУНБОВнинг шу масалалар хусусидаги фикрлари билан қизиқдик.

2-бет

Диққат, танлов!

«ЭНГ МУҚАДДАС БОЙЛИГИМИЗ — ИСТИҚЛОЛИМИЗ!»

танловига марҳамат!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари мухбирлари, ЎзХДП ташкилотларининг жамоатчилиги ва ОАВ билан ишлаш сектори ҳамда масъул ходимлари, фаоллари ўртасида халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутадиган, энг улуг, энг

азиз байрам сифатида катта шоду хушроқлик билан нишонладиган кутлуғ айём — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан «Энг муқаддас бойлигимиз — истиқлолимиз!» деб номланган мақолалар танловини эълон қилади.

2-бет

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

Фаллаорол туман тиббиёт бирлашмасидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилоти раиси Хайринисо Бултикованинг маърузаси тингланди.

ФАОЛИЯТИМИЗДАГИ УСТУВОР ВАЗИФА

**аъзолар, тарафдорлар, электоратнинг
ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат**

— Сиёсий партия олдида турган вазифалар қай даражада бажарилиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаоллигига боғлиқ, — деди Хайринисо Бултикова. — Бунинг учун қуйи бўғинда са-лоҳиятли, изланувчан, сиёсий-ҳуқуқий билими юқори аъзолар сафини кенгайтириб бориш зарур.

Маълумки, бошланғич ташкилотлар фаолиятидаги устувор вазифалардан бири аъзолар, тарафдорлар, электоратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган тадбирларда биринчи галда шунга эътибор қаратаямиз. Бошланғич ташкилотимизга 49 нафар аъзо бирлашган. Сиёсий ўқувларда уларнинг иштирокини таъминлаш, эркин мулоқот тарзидаги учрашувларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга кенг ўрин бераймиз. Энг муҳими, бу одамларимизда ислохотлар тақдирига

дахлдорлик туйғуси мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи билан бирга иш олиб борамиз. Депутатлар бошланғич ташкилот йиғилишларида тез-тез қатнашади. Электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, уларни тегишли ташкилотлар орқали ижобий ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Бирок бошланғич ташкилот имконияти даражасида фаолият кўрсатмагани қайд этildi.

Партия туман кенгаши ҳамда депутатлар билан янада мустаҳкам алоқада ишлаш, аҳоли орасига чуқур кириб бориш, ижтимоий масалалар юзасидан ҳаётий тақлифлар тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Ташаббускор ва талабчан Сарвиноз Жонизакова бошланғич партия ташкилоти етачиси этиб сайланди.

Меҳринисо БОБОВА

Долзарб мавзу

ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАСИ ВА БАҲОСИ

**ёки дори воситалари
нарх-навосининг шаклланиш
асослари ҳамда
назорати хусусида**

Бундан йигирма йилча олдин шифокор беморга тавсия этган камёброқ дорини топиш амримаҳол эди. Таниш-билишни ишга солиб, аллақайси шаҳарлардан ушбу дори воситаси ахтариларди. Бугунги кунда фармацевтика соҳасида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилиши натижасида, аҳолининг сифатли дори-дармон воситаларига бўлган талаби тўлақонли қондирилиб келинмоқда. Бугун шифокор тавсия этган дори воситаси бирида бўлмаса иккинчи дорихонадан албатта топилади. Агарда 069 рақамли дорихона маълумотлар тармоғига телефон қилсак, зарур дорини қайси дорихонадан топиш мумкинлигини айтишади.

3-бет



Долзарб мавзу

Тадбир

ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАСИ ВА БАҲОСИ

ёки дори воситалари нарх-навосининг шаклланиш асослари ҳамда назорати хусусида

Бундан ташқари, бугунги кунда мамлакатимизда жами 6599 номдаги дори воситаси, шундан 1265 номдаги маҳаллий, 5334 номдаги хорижий дори воситалари тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган. Шунингдек, истиқлолнинг дастлабки даврида республикада атиги иккита фармацевтика корхонаси томонидан 20 га яқин дори воситаси ишлаб чиқарилган бўлса, айти пайтда 133 та корхона дори воситалари ишлаб чиқармоқда. Булардан 26 та фармацевтика корхонаси халқаро сертификат тизими ISO 9001 ва GMP сертификатларига эга бўлган корхоналардир. Шу билан бирга, маҳаллий корхоналардан 17 таси ўз маҳсулотларини чет элларга экспорт қилмоқда. Бу давлатимиз иқтисодининг тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ айрим ҳолларда одамлар ўртасида дори воситалари нархи ҳақида эътирозлар бўлиб туради. Фуқаролар таҳририятимизга қўнғирок қилиб, дори-дармон воситаларининг нархи нима сабабдан бир-биридан фарқ қилаётганини изоҳлаб беришни сўраган ҳоллар ҳам бўляпти.

Шу боис ўзимиз ҳам кичкина мониторинг ўтказишга қарор қилдик. Шифокордан хотин-қизлар ўртасида камқонлик касаллигини даволаш учун зарур бўлган дори воситалари рўйхатини олдик.

Биринчи дориҳона: Феррум-лек ампуласи — 5 донаси 18000 сўм. **Иккинчи дориҳонада** 16300 сўм. **Учинчи дориҳонада** 21600 сўм.

Биринчи дориҳона: Феррум-лек ампуласи — 10 донаси 42000 сўм. **Иккинчи дориҳонада** 45000 сўм. **Учинчи дориҳонада** 40200 сўм.

Биринчи дориҳона: Мальто-фер таблеткаси (30 дона) — 25800 сўм. **Иккинчи дориҳонада** 26800 сўм. **Учинчи дориҳонада** 25000 сўм.

Биринчи дориҳона: Феррум-лек таблеткаси (30 дона) — 18000 сўм. **Иккинчи дориҳонада** 19700 сўм. **Учинчи дориҳонада** 21600 сўм.

Биринчи дориҳона: Дуовит таблеткаси (30 дона) — 9000 сўм. **Иккинчи дориҳонада** 9200 сўм. **Учинчи дориҳонада** 10300 сўм.

Биринчи дориҳона: Татима суюқлиги (20 дона) — 16000 сўм. **Иккинчи дориҳонада** 16100 сўм. **Учинчи дориҳонада** 20000 сўм.

Биринчи дориҳонада рўйхатдаги жами дориларнинг нархи 128 минг 800 сўмни ташкил этди. **Иккинчи дориҳонада** 133 минг 100 сўм бўлди. **Учинчи дориҳонада** эса жами дори-дориларнинг нархи 139 минг

(Давоми. Боши 1-бетда.)



300 сўмни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, бемор биринчи дориҳонадан керакли дориларни сотиб олганда иккинчисига нисбатан 4300 сўм, учинчига нисбатан эса 10500 сўмни иқтисод қилиши мумкин. Ҳақли савол туғилади: нега ёнма-ён дориҳоналарда бир турдаги дорининг баҳоси кескин фарқ қилади? Улардаги нарх-наво назорат қилинадими? Шунингдек, уларнинг нархлари нимага асосланиб шаклланади? Беморларнинг қайси тоифаси дори воситалари билан текин таъминланиши кўзда тутилган?

Шу ва шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида тегишли мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. **«Дори-дармон» акциядорлик компанияси берган маълумотга кўра**, дори воситалари ва тиббий буюмларга нарх белгилаш тартиби мавжуд. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги ва 2000 йил 5 августдаги «Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари билан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда чекланган савдо устамалари жорий қилинган.

Жумладан, импорт бўйича келтириладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, товар этказиб беришда қатнашувчи воситачилар сонидан қатъи назар, сотиб олиш қийматининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда улгуржи-чакана савдо устамаси қўлланган ҳолда сотилиши лозим. Бошқа дори воситалари ва тиббиёт буюмларига, воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун 20 фоиздан ортиқ бўлмаган, ча-

кана савдо учун 25 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги чекланган савдо устамалари қўлланиши керак. Шунингдек, барча дориҳона муассасаларида нарх белгилаш тартиби ва савдо устамалари қўлланишини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

Масалани ўрганиш жараёнида мутахассислар яна бир нарсасга эътиборимизни қаратишди. Дори воситаларининг нархи, унинг қаерда ишлаб чиқарилгани, воситачи орқали ёки корхонанинг ўзидан тўғридан-тўғри олинаётганига ҳам боғлиқ.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, қўмита томонидан дори воситалари нархлари ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида айрим турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати тузилиб, юртимиздаги 127 та дориҳонадан маълумат олиш йўли билан ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилган. Унга кўра, 61 та дориҳона томонидан 380 турдаги дори воситаларига белгиланган устамалар ошириб қўлланилгани аниқланиб, белгиланган тартибда иш қўзғатилган ва тегишли чоралар кўрилган.

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида «Регистон Нур Барака» МЧЖ дориҳонасида «Парацетамол» таблеткаси 107 сўмдан сотилиши лозим бўлса-да, у 450 сўмдан сотилган. Наманган шаҳридаги «Рео фарм сервис» хусусий дориҳонасида эса нархи 3110 сўмлик «Пиносол» дори воситаси 5200 сўмдан сотилаётгани маълум бўлган.

Ушбу мисоллардан ҳам билиш мумкинки, Вазирлар

Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги «Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан белгиланган савдо устамалари қўлланилиши босқисидан тартиб-қоида бузиш ҳоллари учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумот беришича, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги қарорига биноан амбулаторияда даволанадиган айрим тоифадаги беморларга дори воситалари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан берилади. Улар онкологик, сил, рухий, эндокринологик каби касалликлар, ОИВ касаллигини юқтирганлар, юрак клапанларини протезлаш ва органларни алмаштириш бўйича операциялардан кейин ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар, 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобыль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини туғатишда қатнашган ногирон шахслар, байналмилал жангчилар ҳамда ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслардир. Ушбу тоифадаги беморлар ўзининг турар-жойи бўйича тааллуқли бўлган амбулатория поликлиника муассасаси шифокорининг имтиёзли рецепти орқали шартнома тузилган дориҳонага бориб, касаллиги бўйича рўйхатда белгиланган дори воситаларини бепул олиш имтиёзига эгадир. Бу мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимоя сиёсатининг яна бир намунаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги қ

Куч — билим ва тафаккурда!

ВАТАННИНГ МУНОСИБ ФАРЗАНДИ БЎЛИШ ЮКСАК ШАРАФ

бунинг учун бир умр интилиб яшаш керак, — дейди 2012/2013 ўқув йилида Президент стипендианти, Наманган муҳандислик-педагогика институтини битирувчиси Муяссар МУРОДОВА

У талабалikka қабул қилинган дастлабки кунлар-даноқ ўзидаги илмга бўлган иштиёқни яққол намойиш этди. Дарслардан бўшади дегунча институт кутубхонасида, талабалар турар жойидаги ўқув залида қўшимча адабиётлар билан ишлар, газета-журналларга мақолалар тайёрлар, рус ва инглиз тилларини ўрганиш билан жиддий шуғулланарди.

Муяссар барча фанлардан фақат аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, республика ва институт миқёсидаги кўрик-танловлар, илмий анжуманларда ва жамоат ишларида фаол қатнашгани учун, кўплаб диплом, faxрий ёрликлар билан тақдирланди. Хозиргача унинг газета-журнал ва махсус тўпламларда «Бугун-

ги ёшларда илғор дунёқараш ва инсонийлик фазилатларини шакллантиришнинг психологик масалалари», «Чехия олий таълим тизимида инновацион технологиялар», «Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион технологиялар» каби 10 дан зиёд илмий мақолалари chop этилган. Айни пайтда у «Иқти-

содий фанларни ўқитишда инновацион технологиялар» мавзuida илмий тадқиқот ишини магистратурада ҳам давом эттириш ниятида.

У табиий фанлар билан бирга ижтимоий соҳаларга ҳам қизиқади. Инглиз ва рус тилларида бемалол гапирарди.

— Менинг тенгдошларимга тилагим шу, — дейди у. — Биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватаним учун нима қила олдим, деган эзгу гоя билан яшайлик, ўзимизнинг гайрат-шиоатимиз, билимимиз билан юртимиз шуҳратига шухрат қўшайлик.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир

УСТОЗЛАР ЁД ЭТИЛДИ

Ўзбек халқ амалий санъати узоқ ўтмишдан сўзлайди. Мамлакатимиз шаҳарларидаги қадимий бинолар, кўкка бўй чўзган минораларни беэа турган нақшлар шу кунларгача ранг-жиосини йўқотмай туриши буюк устозодаларнинг чуқур билими, юксак маҳоратидан дарак беради.

Халқ амалий санъати дурдона-ларига юксак маънавият ифодаси деб қаралади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ халқ амалий санъати сирасига кирувчи ганч, ёғоч ўймакорлиги қатори мисгарлик, кулполчилик, чилангар, қандахор, пичоқчи, бешикчи, дурадгорлик каби ҳунармандчиликнинг турли соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳунармандлар учун зарур шартшароит ва имтиёзлар яратилди. Бу билан устозодалар анъаналарини давом эттиришга йўл очилди.

Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида

ўтказилган тадбир ўзига хос хотира ва қадрлаш кечасига айланди. Тадбирга ўзбек халқ амалий санъатининг буюк намоёндалари саналуви уста Ширин шогирди, ганчкор — Маҳмуд Усмонов, нақшолар — Тойирхўжа Тўхтажўжаев, Жалил Ҳақимов, ёғоч ўймакорлари — Маҳсуд Қосимов, Неймат Ибрагимов, кулполлар — Муҳитдин Раҳимов, Аҳад Аминов, Чўлпон Содиков каби устозодалар номини ёд этиш учун уларнинг хайрли ишларининг анъанавий давомчилари бўлган усталар ва ёшлар йиғилди.

Ўзбекистон Бадий акаде-

мияси раиси Акмал Нуриддинов «Обод турмуш йили» ва Мустақилликнинг 22 йиллик байрамига бағишланган кўргазмани очаркан, йиғилганларни моҳир усталар яратган ишланмалар намуналарини томоша қилишга тақдир этди. Усталарнинг бир гуруҳига Бадий академиянинг faxрий ёрлик, диплом ва эсдалик медаллари топширилди.

— Бундай ўзига хос гурунган кўнглим тоғдай кўтарилди, — дейди Ўзбекистон халқ устаси Мирвоҳид Усмонов. — Устоз отанг каби улў дегандек, бу ерга тўпланганлар халқимиз фанрига айланган машхур устозодалар номини ёд этиш баробарида, буюк анъаналар давомчилари эканликларини билан фанр-ланишларини яширмадилар. Демак, юртимизда халқ амалий санъати бардавом ривожланаверади, усталар сафи кенгайверади.

Мирзо АНВАР

Футбол

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАГИ ИЛК ҒАЛАБА



Шу кунларда Туркияда ёшлар (U-20) ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда. Мусобақанинг «Ғ» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки учрашувни янги зеландиялик тенгдошларига қарши ўтказиб, йирик ҳисобда ғалаба қозонди.



Бугунги кунга қадар мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси икки марта жаҳон чемпионатида иштирок этган. Дастлаб 2003 йилда Бирлашган Араб Амириклариде ўтказилган жаҳон чемпионатида футболчиларимиз ўз гуруҳида бирорта ҳам очко жамғара олмаган. 2009 йилда Мисрда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида учта учрашувдан атиги битта очко тўплашган эди.

Бу галги кичик мундиал ҳамюртларимиз учун муваффақиятли бошлангани айниқса қувонарлидир. Ёшларимиз янги зеландияликларга қарши ўйинда илк дақиқалардан ташаббусни ўз қўлига олишди. Бу эса 14-дақиқада самарасини берди. Рақиб дарвозабонининг хатосидан унумли фойдаланган Игорь Сергеев кучли зарба берди. Бироқ дарвозабон тўпни қайтариб юборди, аммо бу вазиятда барчадан илдамроқ ҳаракат қилган Аббосбек Махталиев дарвозани иш-гол қилди — 1:0.

Айтмоқчи, Аббосбек иккита жаҳон чемпионатида гол урган биринчи ўзбекистонлик футболчи сифатида тарихдан жой оладиган бўлди. У бундан икки йил муқаддам Мексикада ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам мамлакатимиз терма жамоаси таркибиде тўпурарлардан бирига айланганди.

Гарчи, танаффусга қадар муҳлислар учрашувда бошқа голга гувоҳ бўлмаса-да, вакилларимизда бир қатор қулай вазиятлар юзага келди. Аммо улардан самарали фойдаланишда ёшларимизга бироз омад ва тажриба етишмади.

Иккинчи бўлимда ҳамюртларимиз ҳужумкорликни янада оширди. 54-дақиқада Аббосбек Махталиев узатган тўпни Игорь Сергеев дарвозага йўллади. Тўп аввал устунга тегиб, сўнг дарвоза тўрига бориб тушди — 2:0.

Орадан ўн уч дақиқа ўтиб, Аҳмаджон Мусаев шогирдлари ҳисобни янада оширишди. 67-дақиқада Максимилиан Фомин узатган тўпни Дийёржон Туропов кучли зарба билан дарвозанинг юқори узоқ

бурчагига йўналтирди — 3:0. Учрашувнинг қолган дақиқаларида ҳисоб ўзгармади. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари тарихидаги илк ғалабасини тантана қилди. Энди вакилларимиз гуруҳидаги навбатдаги ўйинни 26 июнда Хорватия футболчиларига қарши ўтказди.

«Ғ» гуруҳининг дастлабки турдан жой олган иккинчи учрашувда уругвайликлар хорватиялик тенгдошларига имкониятни бой берди — 0:1.

— Бундан икки йил аввал Мексикада ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг илк ўйинида ҳам Янги Зеландия футболчилари билан тўқнаш келгандик, — деди учрашувдан сўнг Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ариим ҳимоячиси Аббосбек Махталиев журналистларга берган интервьюсида. — Мен ўшанда саралаш босқичидаги дисквалификация туфайли майдонга туша олмагандим. Терма жамоамиз эса Ян-

ги Зеландия вакилларига им-

кониятни бой берганди. Бироқ бугун рақибни 3:0 ҳисобиде енгиб, мусобақадаги дастлабки уч очкони қўлга киритдик. Бундан жуда хурсандман. Навбатдаги рақибимиз — Хорватия футболчилари ҳам кучли жамоалардан саналади. Уларга қарши чиройли ўйин кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

— Бугун биз муҳим ғалабага эришдик, — деди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев. — Бунгача мамлакатимиз ёшлари жаҳон чемпионатида хали зафар қўчмаганди. Энди дастлабки доводдан ўтдик. Учрашув мобайнида ўйин суръати юқори бўлмади. Ҳарорат балинд бўлма-са-да, ҳаво босими жудаям кучли. Бундай шароитда одам ўзини ноҳуш ҳис қилиши ҳеч гап эмас. Биз кучни бир хилда тақсимлаб, барча баҳсларга тайёр бўлишимиз лозим. Энди бор диққат-эътиборимизни навбатдаги учрашувларга қаратамиз. Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш, муҳлисларнинг хурсанд этиш учун бор куч ва имкониятимиздан фойдаланамиз.

Куйида бошқа гуруҳларда дастлабки турда ўтказилган учрашувлар натижалари билан танишинг:

«А» гуруҳи: Франция — Гана — 3:1, АҚШ — Испания — 1:4.

«В» гуруҳи: Куба — Жанубий Корея — 1:2, Нигерия — Португалия — 2:3.

«С» гуруҳи: Колумбия — Австралия — 1:1, Туркия — Сальвадор — 3:0.

«Д» гуруҳи: Мексика — Греция — 1:2, Парагвай — Мали — 1:1.

«Е» гуруҳи: Чили — Миср — 2:1, Англия — Ироқ — 2:2.

Кеча «А» ва «В» гуруҳларида иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Франция — АҚШ, Испания — Гана, Куба — Нигерия, Португалия — Жанубий Корея футболчилари ўзаро куч синашди.

Эркин ХОЛБОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Реклама ўрнида



Xususiy ochiq aksiyadorlik tijorat banki

RAVNAQ-BANK

ЮРТ ОБОДЛИГИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Иқтисодийётни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар юксак самара бермоқда. Барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳоли турмуш даражаси ошаётганида банк-молия муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда «Равнақ-банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки (ХОАТБ) томонидан мамлакатимиз иқтисодийоти ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида молия муассасаси томони-

дан йўналтирилган сармоялар ҳажми 11,3 млрд. сўмни ташкил этган. Маблагларнинг 8,2 млрд. сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган. Эътиборлиси, бу кўзда тутилган кўрсаткичлардан салкам тўрт баробар ортқидир.

Банк миқозлари билан мулоқотимиз чоғида уларнинг кўрсатилаётган хизматлардан мамнун эканлиги кўриниб турарди. Қибрай шахридаги «Amir Premium» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Евгений Кочкин фикрлари билан қизикдик.

— «Равнақ-банк»ни танлаб адашмаган эканмиз, — дейди у. — Банкнинг вақтида кўрсатган молиявий ёрдами туфайли корхонамизда гофрокартон ва гофроковка қилинган картондан турли буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 451,7 миллион сўм миқдоридеги кредит эвазига зарур ускуналарни сотиб олдик, айланма маблағларни тўлдиридик. Ўнга яқин янги иш ўрни яратдик.

— «Равнақ-банк»дан олган кредит ҳисобига чорвачиликни ривожлантириш имконига эга бўлдик, — дейди Куйичирчқ туманидаги «Тўқбой» фермер хўжалиги раҳбари Алима Абдурахмонова. — Банкнинг 300 миллион сўм миқдоридеги маблағидан фойдаланиб, агроферма-миз учун янги бино сотиб олдик. Шунинг ҳисобидан йигирмадан зиёд янги иш

ўрни яратилди. Келгусида банк билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, иш қўламини кенгайтирмоқчимиз.

Таъкидлаш жоизки, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масаласига ҳам банк томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойида тадбиркор аёлларнинг 1327,3 миллион сўмлик бизнес

лойиҳалари молиялаштирилди. Ёш оилаларга эса 470,8 миллион сўм миқдоридеги кредит маблағлари берилди.

Эътиборлиси, «Равнақ-банк» касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида ҳам бир қатор лойиҳаларни илгари сурмоқда. Масалан, Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш колле-


жини ўтган йили битирган Саодат Арипова банкдан олган микрокредити ҳисобига ҳунармандчилик фаолиятини йўлга қўйди.

Банк жамоаси аҳолининг молиявий хизматларга бўлган эътиёжини доимий равишда таҳлил этган ҳолда янги кредит йўналишларини ишлаб чиқиб, жорий этмоқда.

— 5 миллион сўмгача бўлган истеъмол кредитларини Молиявий таваккалчиликни сўғурталаш полислари таъминоти билан ажратмоқдамиз, — дейди «Равнақ-банк» кредитлаш департаменти директори Дмитрий Ким. — Эътиборлиси, бундай таъминотни тақдим этишга энг кам дастлабки харажат қилган ҳолда тезда кредит олиш мумкин. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун мақбул автокредитлар дастури ҳам жорий этилган.

Муктасар айтганда, «Равнақ-банк» юртимиз равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш йўлидаги хайрли ишлар қўламини мунтазам кенгайтириб бормоқда. Бу эса миқозларнинг ўнга бўлган ишончини ошириш баробарида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Газетанинг навбатлаги сони 28 июнь, жума куни чиқади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madoniyat va ma'naviyat — 233-49-45;
Ilmiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibot — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahiriyyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646
16158
naxxada
bosildi.


Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.10
Topshirilgan vaqti — 23.40

Navbatchi:
Erkin XOLBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5